

СЪЕЗД КУНДАЛИГИ

дуства камланиб, рвож-
б бораверишига шон-
комил.

ҳамкорликнинг 65 йиллигى

увофиқ АДРда қонақ-
уй-жой посёлкларини қу-
қоқда, Ўзбекистоннинг гео-
график фойдаланиш қазилар-
идириб топилшида, ирига-
риб сугорилиш системалари-
арип топишида ёрдам бери-
алар. Тошкент олий ва
махсус ўқув юртини
фонистоннинг 800 дан
қоқ йигит ва қизлар, таъ-
лиқчилар, агроном, педагог
ларни эгалламоқда.

Ўзбекистон билан АДР ўртаси-
даги дўстлик ва ҳамкор-
лик мамлакатларимиз таълиқ-
чилар бахт-саодатини ўзли-
штириб бераётганини, ривож-
ланиш бораверишига алоҳи-
да қўшимча қилиб, қўшимча



НАУСАТ ГУЛЛАНИ

Парвоз

Фантастик ҳикоя

—У—у—у... Шунчалик ҳам тор бўлади-а? Ҳатто қанотларининг ҳам эркин ёзилмаганидан кейин алам қилар экан. Қани энди мовий осмонга шитоб билан қўтарилсанг! Қўм-қўм даладар, кенг водийлар, азим дарёлар узра парвоз қилиш нақадар мароқли! Айниқса, юқоридан пастга шўнгиб, қанотларинг билан дарахтлар учини тебратиб, тепаликларни айланиб ўтиш борлигининг янгилик боради. Узоқларга учгинг келади. Ўзга юртлардаги одамлар кўп яшайдиган шаҳарлар шундай жозиба-лики, оҳанрабодек ўзига тортаверади. Мен қаерга учиб бориш кераклигини биламан. Ҳатто қанча тепаликни айланиб ўтиш ҳам ёдимда.

Яна силкиниш, гувиллаган овозлар... Бизларни қаергадир олиб кетишяпти. Тинимсиз қўчиб юриш азобларига бошқалар қандай чидақкин-а? Шахсан мен жуда қисилиб, жонимдан тўйиб кетдим.

Эсимда, мен тутилганда қанотлари юлиб олинган бир қария ўлим тўшадида ётган эди. У менга бир неча сўз айтиб улгурди холос. Бечорани умр бўйи қоронғу ер-тўлада сақлашди. У учини лаззати нима-лигини билмай шахид кетди. Бизни парвоздан маҳрум қилиб, йиллаб тутқунликда сақлайдиган одамлардек бераҳм ва тошба-ғири бўлмаса керак!

Йўл азоби қўрсин, қўшнингнинг бор-йўқ-лиги ҳам билинмай қолди. Эсим, тўсиқ бўлмаганида уни гапта солиб кўрардим. У ҳам фақат мовий осмон ҳақида ўйлаётган бўл-са ажаб эмас. Ўзимиз ҳам оппоқ булут парчасидек жуда қиройилимиз-да! Кескин пастга шўнгиб, ер бағирлаб учганимизда бизни илғаб олиш жуда қийин дейишди. Бизнинг учинишмиз кўрмаганлар армон-да қолади-да!

Вужудимга кўч-қувват қуйилгандек бў-ляпти. Мени яна қийнашадиганга ўхшай-ди. Ҳар галгидек бир оз офтобга тобла-шади-да, яна қайтариб олиб кетишди.

Менга қараб турадиган одамлар ўта кам-хафсала. Баъзилари яқин келишга қўрқса, бошқалари маст бўлиб олиб нукул атро-фимда ўралашади, қўлини ўйнаб ўчакчи-лади. Мен қўлининг нозик жойи борлиги-ни биламан. Пайтини пойлаб туриб, бари-бир учиб кетаман. Улар учун бу бир тасо-диф бўлади холос. Одамлар бундай тасо-дифларга ўрганиб қолишганга ўхшайди. Уларнинг галига қараганда милтиқ ҳам йилда бир марта тасодифдан отилиб кети-ши мумкин экан. Агар милтиқ ўз-ўзидан отилиб кетиши мумкин бўлса мен ҳам та-содифдан учиб кетишим мумкин-ку?

Тўхтаётганга ўхшаймиш. Ҳа, етиб кел-дик. Яна шовқин, тўполон. Йўқ, жонга те-ди. Бу сафар албатта учиб кетаман. Ана, қўлини очиб, тўсиқни ҳам олиб қўйишди. Қўлф бузилган-ку! Учшига шай бўлиб, сергак туриш лозим. Ўзим жуда қизиқ бўлса керак. Қария ўлими олдидан «кин-нингидир тасодифий парвози барча тутқун-лида ётганларни озодликка чиқаради», деб айтган эди. Улар жуда кўп ва ҳамма-лари менинг ортимдан парвоз қиладилар.

Ахирни ниятимга етдим!

У бор кучини тўплаб, қанотларини ё-ганча шитоб билан осмонга қўтарилди...

...Қўшнингнинг йирит қарбий машқи ўтаётган райондан қайрилган қанотли ра-кета нишон томон катта тезликда учиб бо-рарди. Унинг мукаммал электрон қурил-маси хотиридаги программани Ернинг су-нъий йўлдоши маълумотларига солишти-риб, учини йўналишини бехато кўрсатиб берарди. Ракета кескин пастлаб, қанотла-ри билан дарахтлар учини тебратиб, тепа-ликлари айланиб ўтиб борарди.

Ердаги барча қанотли ва қанотсиз ра-кеталар йўқликка сафар қилган эди. Дунё тинч нафас олиб кўнда офтоб жилмайди. Ер энтикиб қўйди.

Дунё одамларининг орауси эди бу.

Ҳасан ва Ҳусан ТУРСУНОВлар.

Бу фильми кўринг

«Беш минут қўрқувда»

«Мосфильм» киностудия-сида режиссёр Андрей Ла-динин раҳбарлигида яратил-ган «Беш минут қўрқувда» шунинг номли янги бадиий фильм Совет милициясига бағиш-ланган. Картинада жиноят қидирув ходимларининг мардлиги, тоқирлиги, ишга масъулият билан ёндошиш-лари ўзига хос бўёқларда, жозибали образлар орқали зўр маҳорат билан ёри-тилган. Бунда, албатта опе-ратор Виктор Шейнин, рас-сом Владимир Кирс ва ком-позитор Вячеслав Ганеллин-нинг хизматлари бекиёсидир. Уларнинг санъатлари туйғай-ди фильм воқеалари янада тасвирчанроқ чиққан, десак муболага бўлмас.

Фильмдаги асосий қаҳра-мон майор Бугаев образини Евгений Герасимов талқини-да кўрсатди. Бу актёр кенг томошбинлар оmmasига «Улар ўта олмайдилар».

«Мен севган киши», «Петров-на, 38» каби бадиий фильм-лари орқали жуда яхши та-ниш. Урни келганда шунинг айтиш керакки, Е. Герасимов «Петровка, 38» картинасида ҳам совет милицияси хизмат-чиси, яъни катта лейтенант Росляков образини яратган-ди. Бундай роллари киёмига етказиб икки эгитиш унга нафақат актёрлик қобилияти, балки ёшликда шугулланган спорт турлари — енгил ат-летика, каратэ ҳам жуда қўл келган бўлса ажаб эмас. У ўз пайтида ҳатто ака-ука Зна-менскийлар соврини ўтказилган мусобақада ҳам қатнашган эди.

Картинада асосий гувоҳ — Каретников образини таниқ-ли актёр Леонид Куравлев ижро этгани айин мудоао бўлган. Санъаткор бутун ак-тёрлик фаолияти давомида юздан ортиқ фильмда ранг-



баранг образлар яратди. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» (Айсмэн), «Олтин бузоқ» (Айсмэн), «Афоя» (А. Борш-чов), «Мис фаршати» (про-фессор Ларсен), «Ҳаёт учун ҳавфли!» (Молодцов) каби фильмлар фикримиз далили бўла олади.

Санъаткор гоҳ қўлиги, гоҳ киновий, ҳатто беаф-соқ кишилар қиёфасида на-моён бўлади. Я. Куравлев мана шу санъатини «Беш минут қўрқувда» яна бир бор намоён этган.

Бундан ташқари, маъмур картинада Анастасий Кузне-

цов, Вячеслав Езепов, Влади-мир Носик каби актёрлар иштирок этишган. Фильм сценарийи Сергей Висоцкий қаламига мансуб.

Фильм шу охирида экранга чиқади.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

СУРАТДА: фильмдан кадр.

«МУАЛЛИМ»

Ҳажвия

Салим ҳар галгидек авто-буса чиқиб ўтиргач, аввал деразига тикилиб олди, сўнг қўлидаги газетга эсига тушиб, уни кўздан кемира бошлади, билит олиш эса ҳаёлига ҳам келмади...

Бир пайт ёнида ўтирган кекса киши унга мурожаат қилди:

— Болам, мана бу ерда нималарни ёзишди? Салим жавоб ўрнига энди ростмана газетга кўз югу-рирди. «Йўллардаги текши-рувлар» дейилган сарлавҳани ўқиб бир силкиниб қўйди. Лекин ўзини босиб олиб, одати бўйича, кекса кишига уқтира кетди. Ҳа, шунчаки — бировага ақл ўргатишни яхши кўради. Билса-билмаса муал-лимлик қилаверади.

У гап билан бўлиб салонга билет текширувчилар чиқиб келишганини сезмади ҳам...

Текшириш навбати Салим-га ҳам етиб келди. У минг хил баҳоналар қилмасин, текшираётган йигитлар бари гапта туриб олишди.

— Уч сўм штраф! Қани бўлинг! Атрофдагиларнинг қараш-ларидан уялганлигини ёки текширувчиларнинг қатъия-тиданми юзлари дув қизар-ди, чўнтагидан иложсиз уч сўм чиқариб берди.

Автобус ўз йўлида давом этаркан, унга алам қилиб борарди...

— Уч сўм-а, уч сўм! Еним-да ўтирган шу киши сўрама, ганида ва мен ўша «Йўллар-даги текширувчилар» ўқиб бермаганимда уч сўмга туш-маган бўлардимми? Эҳ, эсим Салим, Бир соатлик «муаллим!»

Насрулла АЛИЕВ.

Ноширлар тухфаси

Ғафур Ғулум номидаги Ада-биёт ва санъат нашриёти ку-нидаги янги китобларни чоп этди:

▲ «Интисор». Маматқул Ҳаз-ратқулов.

Езувчининг навбатдаги ки-тоби икки қиссадан иборат. «Интисор» қиссасида бугунги кун, замондошларимиз обра-зи акс этган бўлса, «Кўёш мен томонда» қиссасида ин-қилоб арасиди, оддий халқ ҳаёти, интилишлари талқин этилади. Муаллифининг тили раво, ташбеҳларга бой.

▲ «Мени тонгда уйғотинг». Исфандиёр.

Исфандиёр рус тилида ижод қилади. Унинг ушбу

китобига киритилган қиссаси ва ҳикоялари комсомол ёш-лар ҳаётига бағишланган. Улар ҳаммаша изланишда, ҳа-ётда ўз ўрнини топиш учун курашда.

Китоб унинг мухлисларига маълум бўлади деган умид-дамиз.

▲ «Риштонлик партизан». Жўра Саримсоқов, Тоҳир Ҳамроқулов.

Бу китобда Совет Итти-фоқи Қаҳрамони Маматди То-пировдиге жасоратидан лав-ҳалар битилган. Улғур Ватан урушининг энг оғир дама-лари партизанлар ҳаракати, юртодшоимиз кўрсатган юк-

сак ватанпарварлик ҳужжат-лар асосида ёритилган. Китобда Мамадали Топи-ровнинг колхозга раҳбарлик қилишдаги фидойилигини ҳақи-да ҳам қизиқарли лавҳалар бор.

▲ «Биллур жилғалар». Ав-торлар коллективи.

Ушбу тўплам иктидорли қаламшарларнинг замонамиз, замондошларимиз ҳаёти, улар-нинг орзу-тилоқлари, интилиш-лари ҳақидаги ҳикоя ва шеър-лардан тузилган.

Авторларнинг ҳар бирининг ўз овози, услуб ва йўналиш-лари бор, мавзулар ранг-ба-ранг.

Саломат АЗИМОВА.

Фарзандларингиз

учун

Дадасининг боласи

Жаҳонгирдан сўрадим,
Қани айт-чи, жон ўғлим,
Менинг пазлавои ўғлим,
Сен нимадан қўрқасан!
У тикилиб турди жим,
— Қоплондан қўрқасанми!
— Йўқ, қўрқмайман, — деди у.
— Арслондан қўрқасанми!
— Йўқ, қўрқмайман, — деди у.
— Сиртлондан қўрқасанми!
— Йўқ, қўрқмайман, — деди у.
— Илондан қўрқасанми!
— Йўқ, қўрқмайман, — деди у.
— Бўриданми!
— Йўқ, — деди.
— Ҳаридан-чи!
— Йўқ, — деди.
«Йўқ, йўқ» деб тўраверди,
Қиқирлаб қулаверди.
— Билинг, — деди, —
дадавой,
Қўрқоқларнинг ҳоли вой.
Сиз қўрқасиз ҳеч қолиб,
Қўнғирқонинг чилишдан,
Ойим қўрқадиган фақат
Сиздан ажраб қолишдан.

Уйимизда кунда мажлис

Бизнинг уйда ҳар кун
мажлис,
Бошланади, қош қорар.
Бир кун ойим бўлса ранс,
Бир кун дадам бошқарар.
Бир кун дадам берса ҳисоб,
[Кузатамиз биз зимдан],
Ойим қилар ҳисоб-китоб,
Уй-рўзғору чикимдан.
Бир кун тартиб — бош
масала,
Озодалик — эрта кун
Маъналик турар тоғ тинг палла,
Қилишмас, ҳеч якун.
Уйда қолса, бизлар агар,
Акам кетар сўз иқиб.
Яқовсан деб қойиб
баттар,
Қўлини биғиз қилиб
Ўзими қолсам, ураман дўқ,
Чақалоқча — бешикча,
Ўйнаб келай, ишларим кўп,
Қараб тур, деб эшикча.
Сафар БАРНОЕВ.

Иқдор

Майли, қўмсаб исингизни
Гулларини қон ютсинлар.
Мен кутмайман энди
Сизни,

Ўзга ёрлар кутсинлар.
Эсингизга келмагайман,
Мен сизни севмагайман...
Тилсиз дилим турналар,
Лабларимдан қайтсинлар.
Севги сўзини суратларини
Зорлар айтисинлар.
Бунини мен демагайман,
Мен сизни севмагайман.
Қўзим қайноқ қўш ёшимга
Эриб, оқиб кетсин-ей.
Елғов, дея ишқ бопимга
Қўшини тортиб келсин-ей —
Йўқ, бўйин эгмайман,
Мен сизни севмагайман!
Замира МИРЗАЕВА.

Экран ҳикоя қилади

«Маша, Мария, Мария»
картинасида аjoyиб тақдир-ли аёл тарихи ҳикоя қилиб
берилган. Ўзбекистон илмий-
оммабон ва ҳужжатли фильм-
лар студиясида режиссёр
Шукрат Маҳмудов томонидан
яратилган бу кинолента тақ-
дир республика ҳаёти билан
чамбарчас боғлиқ кетган
аjoyиб инсон, Тошкент об-
ластидидаги ҳужайилардан би-
рининг раҳбари Мария Ла-
оньева Пугачева ҳақида
хикоя қилади. Картина номида
келирилган учта исм эллик
йил муқаддам Ўзбекистонга
келган аёлнинг тарихи ва хо-
лидаги босқичларини акс этти-
риди. Бу ерда у ўз севишли
ишини, бахтини топади, КПСС
сафига кирди. Ўзбек халқи
орасида кўп йиллар яшаган
рус аёли шу халқ тилини ўр-
ганди, қариндош тутинди, бор
кучини ўзи учун қадардон бў-
либ қолган юртга, меҳнатга
сарфлади.

Лекторийда 200 тингловчи

Ўзбекистон ССР Давлат
санъат музейида ташкил
этилган тасвирий санъатга
оид лекторийлар мухлис-
ларини тобора қизиқтирмоқ-
да.

«Жаҳон санъати тарихи»
туркумидан ўқилган «Қа-
димги ва ўрта асрлардаги
Хиндистон санъати» лекция-
сида икки юз тингловчи то-
мошбин иштирок этди.
Шарҳунос, музей илмий
хизмати Қилар Маъмурова
ҳинд халқининг асрлардан
бери сақлаб келган санъат
дурдоналарини рангли тас-
вирда кўрсатиб, уларнинг
яратилиши ҳақида қизиқар-
ли тушунча берди.

М. АХМЕДОВ.

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Қурилиш трести оталиғи

Мақтаб ислохотини амал-
га оширишда ўқувчиларни
фойдали ижтимоий меҳнат-
га ўргатиш, касб-ҳунар та-
лашда ишлаб чиқариш кор-
хоналарининг аҳамиятини
ошириш каби масалалар
алоҳида қайд этиб ўтилган.
Бу ислохотдан келиб чиқиб
нш олиб бораётган 70-мак-
таб педагогика коллективи
оталиқ ташкилотлар билан
яқиндан алоқада бўлмоқда.
Жумладан мақтаб ўқувчи-
лари 11-«Высотстрой» трес-
тининг қурилиш бошқарма-
ларида бир неча бор бўлиб,
қурилиш ишлари жараёна-
ри билан танишдилар ва қу-
рилиш ишларини бажариш-
да қатнашдилар.

Қуни кеча бир гуруҳа ил-

фор биноклорлар мактабда
меҳмон бўлиди. Социалис-
тик Меҳнат Қаҳрамони Ҳа-
мид Қорабев, илгор бино-
кор Олимжон Раҳимов,
трест комсомол комитети-
нинг секретари Фуркат Хай-
руллаев кабилар сўзга чи-
қиб ўтган беш йилликда қу-
рилган биноклор, янги беш
йиллик режалари ҳақида га-
пиришди. Улар ёш бинокор-
ларга яратиб берилаётган
шароитлар, қурилиш ишла-
рининг истиқболи ҳақида
ҳикоя қилиб бердилар. Би-
нокор бўлиш ораусида билим
эгаллаётган 10-синф ўқувчи-
лари сўзга чиқиб, тенгдош-
ларини бинокорлик касбини
ўрганишга қаққирдилар.

С. СУЛТОНОВ.

Яна бир лугат

Республикада мактаблар-
ни, олий ўқув юртиларда
чет тилларни ўқитиш бора-
сида маълум тажрибалар
тўпланди. Ўқитиш, илмий
методик ишларда қўлга ки-
ритилган бу ютуқлар асоси-
да айрим дарслик ва қўла-
лашлар яратилди.

Чет тилларни ўзбек тили
билан қўйсый ўрганишни
янада яхшилаш мақсадида
Ўқув дуратлари ҳам тузилди.
Немис тили бўйича машғу-
лотлар олиб боришга яқин-
дан амалий ёрдам кўрсату-
чи лугат эса қийнда босилиб
чиқди.

Тажрибали ўқитувчи ва
методист олимлардан Я.
Бенъяминов, Т. Мирсоатов,
С. Саидов ва М. Рустамбе-

коваларнинг самарали изла-
нишлари натижасида юзата
келган бу нашр «Немисча-
ўзбекча лугат» деб номлан-
ди. Муаллифлар уни тузиш-
да бой тажрибалардан фой-
даланиб, яқиниқий-сеёсий,
фан, маданият, техника каби
соҳаларга доир сўзлар тар-
жимасини аниқлаш ҳисобига
уни янада бойитдилар. Шу-
нингдек, лугатда немисча
сўзларнинг ўзбекча таржи-
маси билан боғлиқ қатор
вариантларни ўз ифодасини
топди.

«Ўқитувчи» нашриёт чоп
этган маъмур лугат 25 минг
сўз ва иборатни ўз ичига ол-
ган.

А. АЛИЕВ.

Ётоқхоналарда клублар

Алоқа электротехника
институтининг студентлар
ётоқхоналари намунали тар-
бия марказига айланган.
Уларда истиқомат қилаётган
йигит-қизларнинг бўш вақ-
тини мазмунли ўтказиш юза-
сидан ҳам қатор ибратли
тадбирлар амалга оширил-
ди.

Олий ўқув юртининг тех-
ника ижодкорлиги клуби ўз
машғулотларини бевосита
ётоқхоналарда олиб бормоқ-
да. Студентлар конструктор-
лик бюроси ҳам шу ерда
жойлашган.

Учинчи ётоқхонада фао-
лият қўрсатаётган «Контакт»
студентлар клуби тезда қўп-
чилик эътиборини ўзига
тортиди. Унинг тажрибаси
асосида 4-ётоқхонада ҳам
бундай клуб очилди. Шу-
нингдек, 5-ётоқхона ўзининг
шинам дисектосенга эга
бўлди.

Уларда ёшларнинг қувноқ
дам олишлари учун барча
шароитлар яратилган. Кино-
лекторийнинг очилиши ҳам
кўпчилигини хушхўд этди.

С. ОДИЛОВА.

Ёз неъматлари

6 гектарлик теплица сек-
цияларини айланар экансиз,
худди ёздагидай пишқири-
лиқнинг гувоҳи бўласиз.

Қип-қизил доладай помидор-
лар, қўм-қўқ бодринг, пиез
ва резавор маҳсулотларини
териб олаётган қизлар ку-
вончи кечаси. Улар қувон-
чининг сабаби бор: ҳар кун
1500 ўрнига 2000 кило-
граммдан ҳосил йигиб-териб
олиб, шаҳарликлар дастур-
хонига жўнатишлар.

Ҳа, Калинин районидида
«Партия XXI съезди» сов-
хоз деҳқонлари қиш қуна-
рида ҳам шаҳарликларга
худди ёздагидай сабзавот
маҳсулотлари тортиқ этиш-
ди. Ўтган йили 870 тон-
на сабзавот ҳосили етказиб
бериб 150 минг сўм соф
даромад қилган теплица ком-
бинати резаворчилари бу
йил ҳам мўл ҳосил учун
курашяптилар. Ҳар квадрат-
метрдан 12 килограммдан

помидор, бодринг ҳосили
етиштириб беришга аҳд қи-
лишган.

Съездлар йилида 640
тонна сабзавот етказиб бе-
риш учун бошланган мусо-
бақада Муҳаббат Ўсмонова
бошлиқ бригада пешнадам-
лик қилляпти. Бригадининг
Муборак Тўёёбоева, Малика
Фозилова, Нозима Мирза-
ева, Салима Азимова, Ўғи-
лой Абдуллоева каби меҳ-
натсеварлари бодринг, поми-
дор, пиез, редиска, петрушка,
укроп ҳосилини йигиб-териб
олишда бошқаларга намуна
бўлишяпти.


Резаворчилар Халқаро хо-
тин-қизлар байрами — 8
мартга катта ҳозирлик қўр-
аптилар. Шу кун сабзавот
ҳосили қатори бир неча
минг дона чинийиқ ва бош-
қа гулларни шаҳарликлар
учун жўнатишди.

З. РУСТАМОВА.

Қўлни-қўлга берайлик!

Болгариялик мактаб ўқув-
чилари юборган хатлар, ки-
тоблар ва альбомлар Тош-
кентдаги 9-мактаб интерна-
ционал дўстлик клуби аъзо-
лари очган Георгий Димит-
ров музейи экспозициясини
ташқил этди. Бу ерда сеёсий
қўшқин ва плакат конкурс-
лари ўтмоқда, болалар тинч-
лик учун курашга бағишлан-
ган расмларини намоиш
этишяпти муҳим проблема-
лар юзасидан мунозаралар

ўтказилмоқда. Уларнинг
тажрибаси интернационал
дўстлик клублари ишини
такомиллаштиришга бағиш-
ланган республика семина-
рида бўлди. Кенгаш қатнаш-
чилари Халқаро тинчлик
йилига бағишланган митинг-
лар, дўстлик кечаларини
ўтказдилар, Тошкент олий
ўқув юртиларда татлим
олаётган чет эллик студент-
лар билан учрашдилар.



Фурнитура пластмасса буюмлари заводидида ўн биринчи
беш йилликнинг сўнги йилида реконструкция ишлари амалга
оширилиб, бир қатор янги машина ва ускуналар ўрнатилди.
Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот
сифатини яхшилаш имконини берди.

Суратда: гальваник О. Аҳмадбоев заводнинг гальваника
цехида янги ўрнатилган машиналарни бошқаряпти.

Физкультура ва спорт

Шайбали хоккей

Ўринбосарлар кўриги



СУРАТЛАРДА: мазкур турнир мусобақаларидан лавҳалар.

В. Таматаев фотолари. Ф. Борисов этикилик қилаёт.

Қиш фасли ҳам ниҳояланган. Ростини айтганда бу йил қиш бўлмади ҳисоб. У қорсиз ва илқ келди. Шунга қарамадан қишқир спорт ишқибозлари кумуш қиш тароватидан баҳраманд бўлдилар. Чунки, улар ҳақиқий қиш нафаси уфуриб турган, оппоқ қорлар билан ястанган Чимён кўйида дам олиш кунларини мароқли ўтказдилар.

Шайбали хоккей ишқибозлари, аниқроғи бу спорт тури билан шуғулланувчи тошкентлик болаларга ҳеч қаврга боришга ҳожат бўлмади. Чунки «Юбилей» Марказий спорт залининг сунъий ахмалиги ҳаммаша ёш хоккейчиларнинг ихтиёрида. Албатта, бarchа хоккей шайбалари учун бу ерда жой торлик қилади. Аммо уни астойдил яхши кўрган болалар доимо шу ерда машқ қилишади. Эҳтимол улардан баъзилари ҳадемай «Бинокор» командаси сафида ўйнаб, шахримиз спорт шарафини ҳимоя қилар. Ҳозирча эса улар эркаклар ўйинининг сирларини тиришқоқлик билан ўзлаштириш билан бирга турнирларда қатнашиб, маҳоратларини оширмоқдалар.

Яқинда ана шундай турнирлардан бири бўлди. Бунда ёш хоккейчилардан ташкил этилган бир неча команда «Юбилей» Марказий спорт зали соврини учун беллашди.

Мусобақалар уч ёш тоифасида ўтказилди. 1974—1975 йилларда тузилган болалар қатнашган кичик гурӯҳда «Кибальчиш» командаси зафар қўчди.

ган ғолиблар яна бир неча совринни кўлга киритишди. Чунки, улар «Ғалабага» бўлган ишончи учун соврини сазовор бўлишди. «Кибальчиш» командасининг ўйинчиси Аркадий Козловский рақиблар дарвозасига 15 та шайба киритиб, энг яхши мерган мукофоти билан тақдирланди. Унинг командадоши Леонид Иоффе эса турнирнинг бу гурӯҳдаги энг яхши ҳужумчиси деб тан олинди. Шунингдек, «Спартак» командасининг вакили Элдор Аббасов энг яхши дарвозабон, «Ракета» командасининг ўйинчиси Ойбек Тошпўлатов эса энг яхши ҳимоячи деб айтилди.

1973—1974 йилларда тузилган болалардан ташкил топган ўрта ёш тоифасидаги гурӯҳда «Рассвет» командаси турнирнинг бош соврини соҳиби бўлди. Унинг ўйинчилари Андрей Ли ва Рустам Тўхтасев рақиблари дарвозасига 7 тадан шайба йўллаб, яхши натижага эришди. Бундан ташқари Тўхтасев мусобақанинг мохир ҳимоячиси деб таъкидланди. Дарвозабонлар ўртасида бош мукофот «Трактор» командасининг дарвозабони Андрей Дериглазовга топширилди. «Салют» командасининг ўйинчиси Сергей Толмачев мохир ҳужумчи деган номга сазовор бўлди.

Катта ёш тоифасида беллашган хоккейчилар ўртасида эса деярли бarchа совринлар «Орлята» командасига ҳасиб этди.




Жумладан, 4 та шайба киритган Сергей Антипов турнирнинг мергани бўлди. Унинг командадоши Марат Тимеев энг яхши ҳужумчи деб тан олинди. Шунингдек, «Орлята» командасига «Ғалабага» бўлган ишончи учун мукофоти ҳам топширилди. «Чайка» командасининг ўйинчиси Владимир Началов ўз тенгдошлари орасида энг яхши ҳимоячи деб таъкидланди.

бarchа ёш хоккейчиларга «Юбилей» Марказий спорт зали маъмурияти таъсис этган совринлар топширилди. Бундан ташқари мусобақанинг энг ёш қатнашчиси Костя Погорелый ва маҳоратли ёш хоккейчилар — В. Ветошкин, (катталар группасида), Д. Демин (ўрта ёш тоифасида), О. Тожикбоев (кичиклар группасида)лар махсус мукофотлар билан тақдирланди.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

РЕКЛАМА

«Монолит» янгиликлари



«РОМАНТИКА»
ИЗ
ХАРЬКОВА



ХАРЬКОВДАГИ «МОНОЛИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ «РОМАНТИКА—201-2 СТЕРЕО» ва «РОМАНТИКА—201-3 СТЕРЕО» СТЕРЕОФОНИК АГРЕГАТЛАРИНИ ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ.

Бу агрегатлар бир йўла стереомагнитофон, стереопроектор, стереоусилитель, кўча акустика системаларидан иборат.

Такомиллашган стереофоник агрегатлар программаларини магнит лентасига ёзиб олиш: магнитофон ва граммофон ёзувларини эшиттириш: акустика системалар ва стереофонлар ёрдамида тинглаш ва бир йўла ёзиб олинган программаларини эшитиш имконини беради.

«201-3» модели кучли динамик ва юқори гуруҳдаги мураккаб акустика системаларига эга.

«РОМАНТИКА—201-2 СТЕРЕО» ва «РОМАНТИКА—201-3 СТЕРЕО» агрегатларининг овози ниҳоятда тинч, ўзи пухта ва узоқ вақт ишлайди.

«РОМАНТИКА—201-2 СТЕРЕО»нинг баҳоси — 478 сўм.

«РОМАНТИКА—201-3 СТЕРЕО»нинг баҳоси — 558 сўм.

«МОНОЛИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

Чой—бардамлик манбаи

Чой ташналикни қондиради, чарчоқни ёзади, инсонга куч-қувват бахш этади. Унинг таркибида танин, кофеин, эфир мойи, пектин моддалари С, Р, РР, В₁, В₂ ВИТАМИНЛАРИ, ФЕРМЕНТЛАР БОР.

Чой дамлаш ҳам ўзига хос маҳорат талаб қилади.

УШБУ МАСЛАХАТЛАРИМИЗНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:

Чой қайнатиш учун танланган сув минерал тузлардан бирмунча холи бўлмоғи керак. Чой учун ишлатиладиган водопровод сувини занг ва хлор ҳидини йўқотиш учун 8-10 соат тиндириб қўйиш керак. Самоварда шақиллаб қайнаган сувда дамланган чойни совиб қолса иккинчи марта қайнатиб ичиш тавсия этилмайди. Чунки у тахир ва бемаза бўлиб қолади.

Чой дамлашдан олдин чинни чойнак қайноқ сув билан чайилади, унга икки пиёла ҳисобдан бир чой қошиғида чой солинади, чойнакнинг учдан икки қисми ҳажмида қайноқ сув қўйилади, қопқоғи ёпилиб, устидан салфетка ёки сочиқ ўраб қўйилади. Шундай қилганда чой таркибидаги ҳушбўй моддалар учиб кетмайди.

3-4 минутдан кейин тўлдириб қайноқ сув қўйилади ва пиёлаларга қўйиб, ҳузури билан ичиш мумкин.

Яна бир маслахат: чойнак устига ёпилган сочиқ кўп турмаслиги ҳам керак. Акс ҳолда чой қўйиб, мазаси бузилади. Дамланган чойни оловга қўйиб бўлмайди, қайта иситилган чойнинг мазаси бемаза бўлади. Ичиш учун тавсия этилмайди.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 58-36-29).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).



СЕШАНБА, 4. III

● МТ I

9.00 «ВРЕМЯ».
10.05 Спорт ҳафталиги.
10.25 П. И. Чайковскийнинг «Оқ-қуш кўли» балети.
15.00 «КПСС XXVII СЪЕЗДИДА».
15.20 Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Ҳозирги замон совет ада-

биётида В. И. Ленин образи».
16.30 «Муштақам илдиэлари». Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Ростов-Дон).
16.50 Абхазия АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг чиқиши.
17.20 «Совет спорти». Киножурнал.
17.30 «КПСС XXVII СЪЕЗДИДА».
18.00 Бокс бўйича СССР чемпионати. Финал.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.40 МТ экранда биринчи марта, «Эркаклар». Бадий фильм.
21.15 КПСС XXVII СЪЕЗДИ КУНДАЛИГИ.

22.00 Спорт ҳафталиги.
22.20 Санъат усталарининг концерти.
23.30 «Мода ва тажриба». Телевизион ҳужжатли фильм.
24.00 «ВРЕМЯ».
● МТ II
18.30 Янгиликлар.
18.40 «Музыкалки киоск».
19.10 «Агар соғлом бўлай десанг».
19.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.10 «Қарсақлар олдидан...». Ҳужжатли фильм.
20.35 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!».
20.45 СССР халқлари VI қишки спортмайдони.

21.05 Владимир Ильич номли завод Маданият саройининг духовой оркестри чадади.
21.15 КПСС XXVII СЪЕЗДИ КУНДАЛИГИ.
22.00 «Менга сўз беринг». Бадий фильм («Ленфильм»). I-серия.
23.20 СССР халқлари VI қишки спортмайдони.
● УЗТ I
7.30 Ритмик гимнастика.
7.50 «Тонгги тароналар».
8.00 «Тонгги телетайп».
8.10 «Истаган эшигини қоқ». Телефильм.
8.30 «АХБОРОТ».
17.30 Москва, «КПСС XXVII СЪЕЗ-

ДИДА».
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ўзбекистоннинг яқинида тошларини», Ҳужжатли фильм.
18.15 «Беловен Ватаним менинг». Адабий композиция.
18.45 «Сифат — бош мезон».
19.15 «О. Юсупова ва А. Ким чадади».
20.00 «АХБОРОТ».
20.30 «ОЛДИНГИ САҒДАГИЛАР».
20.45 «Халқ билан ўтган умр».
21.15 Москва, КПСС XXVII СЪЕЗДИ КУНДАЛИГИ.
22.00 «ГУЛЛА-ЯШНАЕТАН УЛКАМ МЕНИНГ». Видеофильм-концерт.
23.20 «Планетани бэхтимиз учун

асрайлик». Ҳужжатли фильм.
23.40 «Совет киноси сьездан сьездгача».
24.00 Москва, «ВРЕМЯ».
● УЗТ II
9.00 — 16.05 МТ II.
16.05 Кўрсатувлар программаси.
16.10 Химия.
16.40 Олий лига хотин-қизлар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати.
17.10 Ритмик гимнастика.
17.30 «Қуёш билан диалог». Телефильм.
17.50 Эстетика асослари.
18.30 МТ II.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ КАТТА ТЕАТРИДА — 4/II да Фидийлар.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/II да Курорт.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/III да Хотиннинг эри.

КИНО

3 МАРТДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА УЧУН ЖАНГ» — Санъат саройи (17, 19.30; т. телефонлар 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74).

«ТУМАНЛИ СОҲИЛЛАР» — Санъат саройи (16, 18.30, 20.45).

«ЕВВОИ ХМЕЛЬ» — Ватан (16, 18, 20, 21.30). Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ПОТАПОВ ҲАЕТИДАН» — Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да, телефон 31-05-01), С. Рахимов номли (жуфт соатларда).

«УТА ЁҚИМЛИ ВА МАФТУНКОР» — Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), Тошкент Советининг 50 йиллиги (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«ИККИ ЁҚЛАМА ҚОПҚОН» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (16, 18.30, 21.00).

«ГАГРАДА ҚИШ ОҚИШ» — Қозғистон (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).

«У МЕНИ ЁҚТИРАДИ» — Қозғистон (тоқ соатларда).

«ИЗҚУВАР» — Нукус (13, 18.30, 20.45; телефон 46-71-69).

«ХАР ЯХШИННИ БИР ЕМОНИ БОР» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда).

4 МАРТДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА УЧУН ЖАНГ» — Санъат саройи (12, 14.30, 17, 19.30; телефонлар 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74).

«ТУМАНЛИ СОҲИЛЛАР» — Санъат саройи (10.30, 13, 13, 18.30, 20.45).

«ЕВВОИ ХМЕЛЬ» — Ватан (12, 14, 16, 18, 20, 21.30). Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ПОТАПОВ ҲАЕТИДАН» — Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да, телефон 31-05-01), С. Рахимов номли (жуфт соатларда).

«УТА ЁҚИМЛИ ВА МАФТУНКОР» — Восток (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), Тошкент Советининг 50 йиллиги (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«ИККИ ЁҚЛАМА ҚОПҚОН» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ГАГРАДА ҚИШ ОҚИШ» — Қозғистон (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).

«У МЕНИ ЁҚТИРАДИ» — Қозғистон (тоқ соатларда).

«ИЗҚУВАР» — Нукус (13, 18.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69).

«ХАР ЯХШИННИ БИР ЕМОНИ БОР» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Хуна-техника таълими Давлат институтининг
ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУНА-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШИ
21-ЎРТА ХУНА-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ қўйидаги ихтисослар бўйича

ҚУШИМЧА
ЎҚУВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СЕКРЕТАРЬ - МАШИНИСТКА, СЕКРЕТАРЬ-СТЕНОГРАФИСТКА, ИШ ЮРИТУВЧИ, ЧИЗМА-КАШ, ЭЖМ ОПЕРАТОР.
Ҳамма ихтисосликлар бўйича ўқиш муддати 6 ой.
Ўқишга йўлтиқчилар и-бул қилинади.
Билим юртига қабул қилинганларга 30 сўм стипендия тўланади.

Таълим курсини тамомлаган, ўқувчилар Тошкент шаҳридаги турли муассасалар, бйорлар, ҳисоблаш марказларига ишга жойлаштирилади.
Қўйидаги ҳужжатлар таълим этилади: тулиқ ўра маълумот ҳақидаги аттестат, харахтеристика, 4 дона фотосурат (3х4см.), медицина справкаси, илаш жойиди справкаи, паспорт, туғилган ҳақидаги гувоҳнома, директор номига ариза.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Киров райони. Хуришл кўчаси, 45-ўй (Б. 44, 56, 85, 88-автотуслининг «Семашко номли иституту» бекати).

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет нурилиши — 32-55-37; санъат ва нурилиш — 32-57-84; шаҳар ҳуналиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нарийв-тининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.